

1	Эмитент ҳақида маълумот							
	Тўлиқ номи:			"Тошкент Республика фонд биржаси" акциядорлик жамияти				
	Қисқа номи:			АЖ РФБ “Тошкент”				
	Биржа тикери номи:			-				
2	Алоқа маълумотлари							
	Жойлашув манзили:			100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй				
	Почта манзили:			Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй				
	Электрон почта:			info@uzse.uz				
	Расмий веб-сайт:			www.uzse.uz				
3	Мухим факт тўғрисида ахборот							
	Мухим факт рақами:			6				
	Мухим фактнинг номи:			Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан хўжалик жамиятлари кузатув кенгашининг акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорлари				
	Умумий йиғилиш тури:			навбатдан ташқари				
	Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана:			30.04.2026				
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:			04.05.2026				
	Умумий йиғилиш ўтказиладиган жой:			Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй				
	Умумий йиғилиш кворуми:			100%				
	№	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш натижалари					
			ёқлаб		қарши		бетараф қолишди	
			%	дона	%	дона	%	дона
	1	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш ва котибини сайлаш	100	25 390 625	0	0	0	0
	2	Саноқ комиссияси аъзоларини тасдиқлаш	100	25 390 625	0	0	0	0
	3	Жамиятнинг устав фондини ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш	100	25 390 625	0	0	0	0
	4	Акциядорлар томонидан акцияларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида	100	25 390 625	0	0	0	0

5	Жамият акцияларини қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш	100	25 390 625	0	0	0	0
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари:							
1	1. "Тошкент" РФБ АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти Баённоманинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқлансин; 2. "Тошкент" РФБ АЖ бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи И.Хабибулина акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиби этиб тайинлансин.						
2	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин: Г. Алтибаева – «Тошкент» РФБ АЖ кадрлар бўйича менежери. Ш. Хайдаров- «Тошкент» РФБ АЖ. Юрисконсулти. Р. Джафарова- «Тошкент» РФБ АЖ ташқи коммуникациялар бўлими бош мутахассиси.						
3	1. Тошкент" РФБ АЖ устав фонди оддий ҳужжатсиз акцияларни қўшимча чиқариш йўли билан умумий миқдори 27 716 314 226,55 сўмга оширилсин; 2. Ҳар бирининг номинал қиймати 2560 сўм бўлган 10 826 685 дона оддий ҳужжатсиз акциялар чиқарилсин; 3. Мазкур чиқарилишдаги жойлаштириладиган акциялар сони битта акциянинг номинал қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва 10 826 685 донани ташкил этади. Кўрсатилган акциялар ҳажмига тўғри келадиган умумий миқдори 27 716 313 600 сўмни ташкил этади. Акциялар умумий миқдорини тенг бутун сонга бўлиб бўлмаслиги сабабли 626,55 сўм миқдорида қолдиқ юзага келади ва у қолдиқ деб эътироф этилсин. Кўрсатилган фарқ ушбу чиқарилиш доирасида жойлаштирилмайди ва Жамият акцияларининг кейинги чиқарилишлари шартларини белгилашда ҳисобга олинishi лозимлиги белгилаб қўйилсин. 4. Акцияларни жойлаштириши қўшимча чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календар кун ичида амалга оширилсин; 5. Жойлаштириш бошланган сана акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб биринчи кун деб белгилансин; 6. Жойлаштиришнинг тугаш санаси акциялар чиқарилишининг охириги акцияси жойлаштирилган кун, лекин акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календар кундан кечиктирмай белгилансин; 7. Акциялар қимматли қоғозларнинг уюшмаган биржадан ташқари бозорида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилиши белгилансин. Мазкур чиқарилишдаги 10 826 685 дона оддий акциялар Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилсин; 8. Чиқарилган акциялар учун тўлов "Тошкент" РФБ АЖ устав капиталига "Фонд бозори ахборот-ресурс маркази" МЧЖ устав капиталидаги 100 (юз) фоиз улушни баланс қиймати бўйича киритиш йўли орқали пулсиз маблағлар билан амалга оширилиши белгилансин; 9. Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб эътироф этилган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида жамиятнинг www.uzse.uz расмий веб-сайтида, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг www.openinfo.uz расмий веб-сайтида - Корпоратив ахборотнинг ягона порталида эълон қилинсин. 10. Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида акциялар учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилиши белгилансин.						
4	1. "Тошкент" РФБ АЖ акцияларининг қўшимча чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги "Капитал бозорида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-254-сон Фармонида белгиланган мақсадларга эришишга қаратилганлиги ва уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштиришни назарда тутиши инобатга олинсин. 2. "Тошкент" РФБ АЖ акцияларининг қўшимча чиқарилишини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмасин.						
5	1. "Тошкент" РФБ АЖ акцияларини қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор Баённоманинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқлансин. 2. "Тошкент" РФБ АЖ акцияларини қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарорни имзолаш ваколатини "Тошкент" РФБ АЖ Кузатув кенгаши раиси Н. Хусановга юклансин.						

Эмитентнинг ижро этувчи органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган мукофотлар ва (ёки) компенсациялар					
Ф.И.Ш.	Шахс аъзо бўлган эмитент органининг номи	Тўлов тури (мукофот ва (ёки) компенсац ия)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган ҳужжат
-	-	-	-	-	-
Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:					
Номзодлар ҳақида маълумот					
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи, лавозим	Тегишли акциялар		Овозлар сони
			Дона	Тур	
-	-	-	-	-	-
Уставга киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матни: Уставда назарда тутилмаган					

Ижро этувчи орган раҳбарининг Ф.И.О.:

Ташов Файзулла Муратович

Бош бухгалтернинг Ф.И.О.:

Боймухамедова Александра Хуррамовна

Жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.О. веб-сайтидаги маълумотлар:

Хабибулина Индира Шавкатовна